

*Аскар кутубхонаси*

Искандар Раҳмон



ОЛОВЛИ  
ЙИЛЛАР ЁДИ

Аскар кутубхонаси

ИСКАНДАР РАҲМОН

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР  
ЎДИ

*ХОТИРАЛАР*

**УЎК: 94(575.1)**

**КБК: 63.3(5Ў)**

**Р - 33**

**Раҳмон, Искандар.**

Оловли йиллар ёди / И.Раҳмон. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 356 б.

ISBN 978-9943-07-567-2

Мамлакатимизда 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб аталиши ҳамда энг муқаддас ва табаррук сана – 9 май «Хотира ва Қадрлаш куни» сифатида ўтказилишида катта рамзий маъно бор. Зеро, хотира – фазилат, олий инсоний туйғу. Инсон борки, ҳар куни, ҳар сонияда хотирасига мурожаат қилади.

Искандар Раҳмоннинг мазкур «Оловли йиллар ёди» тўпламида Ватанимиз озодлиги, шон-шухрати, истиқлоли ва истиқболи йўлида, жангларда, фронт ортида мардлик, жасорат намуналарини кўрсатган турли касб ва ёшдаги юртдошларимиз ҳақида ибратли ҳаётий мисоллар асосида ҳикоя қилинади.

Ўйлаймизки, бу ёднома ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшади.

### **Тақризчилар:**

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши раиси,

Ўзбекистон халқ шоири, сенатор

Бахтиёр НАЗАРОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, филология фанлари доктори, профессор,

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби  
Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ, Турон Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-07-567-2

© Искандар Раҳмон, «Оловли йиллар ёди». 2017 йил.

Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаётдир. Хотира – кечаги ўтмишни, аجدодлар ўгитини, миллий меросимизни англашиб турувчи – муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр – инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

## **ЎЗБЕКИСТОНЛИК ХАЛОСКОРЛАР ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ УНУТИЛМАСДИР!**

Урушнинг номи ўчсин! Унинг яхшиси бўлмайди. Айниқса 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши яна бир тарихий ҳақиқатни бутун бўй-басти, салобати билан амалда тасдиқлади. Ҳар қанча талафотлар кўрмасин, қурбонлар бермасин, ўз Ватани, эрк ва озодлиги учун курашган халқ охир-оқибатда, албатта ғалаба қозонади. Шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, унинг бошига сон-саноксиз оғир кулфатлар тушган. Бироқ 1941–1945 йиллардаги даҳшатли уруш сингари оғир йўқотиш ва емирилишлар тарихда асло бўлмаган! Дунё миқёсида бу мудҳиш уруш оқибатида берилган қурбонлар ҳақида ҳар хил рақамларни айтишади. Бизнинг назаримизда бу рақам 100 миллиондан кам эмас. Чунки бу қирғинбарот дунёнинг қарийб ҳамма бурчаги – фарбу шарқда, шимолу жанубда, ирқи, миллати, этниқодидан қатъи назар Карелиядан тортиб, Куриль оролларигача бўлган бепоён ҳудудларни ўз қаърига тортган. Бу беадад маконларда яшаётган халқлар фашизм қуллигига тушиб қолмаслик учун жон фидо қилишга тайёр эканликларини амалда исбот қилдилар. Гап фақат тирик йўқотишлар ҳақидагина эмас. Ўн минглаб қишлоқ, шаҳарлар ер билан яксон қилинган. Инсоният ақд бовар қилмайдиган



аянчли кўргиликларни бошидан кечириб, муд-  
ҳиш жиноятлар, ашаддий ёвузликларга дуч ке-  
либ, уларни мардонавор енгган. Бунинг ўзи улкан  
жасорат!

Расмий ҳужжатларга қараганда, Иккинчи  
жаҳон урушига биргина бизнинг Ўзбекистондан  
1 миллион 433 минг 230 нафар эркаклар, 500  
га яқин хотин-қизлар сафарбар бўлишган. Агар  
1941 йилда республика аҳолиси 6,5 миллион ки-  
шини ташкил этган бўлса, ёш гўдак ва болаларни,  
қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқи-  
мизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қуроол олиб,  
аёвсиз жанг майдонларига, ўт-олов ичига кириш-  
ган. Фашизм вабосини ер юзидан даф этиш учун  
бўлган ҳаёт-мамот жангларида ватандошларимиз  
тенгсиз мардлик ва жасорат намуналарини кўр-  
сатишган, муносиб тақдирланишган. (*«Халқ сўзи»*  
*газетаси, 1994 й. 23 февраль*)

Энг ачинарлиси шуки, 604 минг 52 нафар  
ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бў-  
либ қайтган. Бу даҳшатли ҳаёт-мамот муҳораба-  
сида қарийб 500 минг нафар юртдошимиз, яъни  
урушда қатнашганларнинг 30 фоизи жанглarda  
қаҳрамонларча ҳалок бўлган, хоки бегона юрт  
тупроқларида қолиб кетган. Ахир улар азиз ва  
муқаддас, қутлуғ макон – она Ўзбекистонда туғи-  
либ, униб-ўсган эдилар-ку!

Уларнинг кўпчилиги ҳали ҳаёт лаззатига тў-  
йиш у ёқда турсин, ҳатто уни татиб ҳам кўрмаган  
18–20 ёшли навқирон йигитлар эди. Ўзбекистон-  
нинг турли шаҳар ва қишлоқларида ҳали-ҳануз  
умр йўлдошини, отаси, акаси, амакиси, тоғасини  
интизорлик билан кутаётганлар озми? Улар ора-  
сида чимилдиқда ёки бир-икки бола билан бева

қолиб, бошқа турмуш қурмай, ҳамон жуфти ҳа-  
лолини кўзи тўрт бўлиб кутаётганлар, бирон-бир  
даракка зор бўлганлар қанчадан-қанча. Уларнинг  
порлоқ хотираси шаҳар ва қишлоқларда тиклан-  
ган ёдгорликлар, мангу олов шуъалари, қабрлар  
тошига битилган дил сўзлари, яқин қариндош-  
уруғ, дўст-биродарлари қалбида битмас дард-алам  
ва фиरोқ билан сақланмоқда.

Ўша мудҳиш Иккинчи жаҳон уруши йилла-  
рида халқимиз Ғалабани яқинлаштириш учун  
фронт ортида ҳам мардонавор меҳнат қилди.  
Бундай оғир шароитларда минглаб тиббиёт хо-  
димлари мардлик, бурчга садоқат намуналарини  
кўрсатдилар. Улар ярадор ва беморларни мум-  
кин қадар қисқа фурсатларда соғайтириб ҳаёт-  
га қайтариш, ҳарбийлар ва фуқаролар орасида  
юқумли хасталикларнинг тарқалишига йўл қўй-  
маслик каби ўта муҳим ва жанговар вазифалар-  
ни шараф билан адо этишди. Биласизми, уруш  
давомида собиқ Иттифоқда бир миллиондан  
зиёд, шу жумладан, Ўзбекистонда 115 та эвакуа-  
цион, кўчма госпиталлар ташкил этилиб, унда  
ўзбекистонлик шифокорларнинг фаол иштиро-  
ки билан ярадор ва беморлардан 54 252 киши  
жанговар сафга ва 70 мингдан зиёд киши тинч  
меҳнат қучоғига қайтарилган, уларни даволашда  
замонавий, янги, илгор усуллардан кенг фойда-  
ланилган, мураккаб жарроҳлик операциялари  
амалга оширилган.

Эвакуацион госпиталларни озиқ-овқатлар би-  
лан таъминлаш, уларга маданий-маиший хизмат  
кўрсатишни республикамизнинг 750 дан ортиқ  
турли ташкилот, корхона ва муассасалари, дав-  
лат ва жамоа хўжаликлари оталиққа олдилар.



Ўзлари ниҳоятда оғир шароитларда яшашлари ва ишлашларига қарамай, ярадор ва беморлар учун, шунингдек, уруш туфайли Ўзбекистонга эвакуация қилинган 200 мингга яқин етим-есир болалар, қарияларни ўз бағрига олган, нафақат оғизларидаги еб турган нон-луқмалари, балки қонларини ҳам аямай топширган қондош, жондош халқимиз фидойилигини ҳақиқий мардлик, жасорат, қаҳрамонлик деса бўлади.

Бундан ташқари, ўзбек халқи 1418 кеча-кундуз давом этган қирғинбарот йиллари 500 вагондан ортиқ озиқ-овқат, мева-чева, иссиқ кийим-бош, шунингдек, қурол-яроғлар ортилган совға-саломларни фронтда жанг қилаётган халоскорларга юборган, уларни ғалабага руҳлантирган.

Афсуски, уруш йиллари жангларда ва мамлакат ортида фидойилик намуналарини кўрсатган халоскорларимизнинг кўпчилиги бугунги тинч, фаровон кунларимизда сафимизда йўқ. Аммо уларнинг муборак исми ва жисми доимо тилимиз ва дилимиздадир. Улар босиб ўтган шарафли йўл ёш авлодлар учун улкан жасорат, матонат мактаби, ёрқин хотира китобидир.

2017 йилнинг апрель ойига нисбатан олинган расмий маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда ўзбекистонлик уруш қатнашчилари, ногиронлари сони 1650 нафарга яқин. Уруш орти фахрийлари эса 45 минг нафардан ортиқроқдир. Бугунги кунда саксонни қоралаб, тўқсоннинг остонасини тақиллатиб, юз билан юзлашиб ва ошиб, давраларимизнинг файзи ва кўрки бўлиб, тинч меҳнат ва бахт нашидасини сураётган азиз ва табаррук отахону онахонларимиз бизнинг фахримиз ва ифтихоримиздир, албатта.



Шундай экан, нафақат уруш йиллари жанг майдонларида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг руҳларини доимо хотирлашимиз, балки айти пайтда барҳаёт бўлиб, эркимиз, озодлигимиз, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётимиз йўлида фидойилик кўрсатган ва кўрсатаётган турли касб эгалари бўлган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш, уларнинг ҳурмат ва иззатларини жой-жойига қўйишимиз барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Шунга кўра, 1999 йилдан эътиборан 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонланаётганлигида теран маъно, мазмун бор. Чунки инсон, халқ ва миллат тарихий хотира ва қадр билан тирикдир.

Гапимизнинг исботи учун қуйидаги далилни келтирайлик. Пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдонида ярим миллионга яқин ватандошларимизнинг аниқ исм-шарифлари, манзиллари, дафн этилган жойлари махсус «пўлат варақли китоб»ларга зарҳал ҳарфлар билан ўчмас қилиб ёзиб қўйилган. Эндиликда бу майдон муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланди. Бундан ташқари, республика «Нуроний» жамғармаси ҳомийлигида 34 жилддан иборат «Хотира китоби» нашр этилди. Бу китобларда 430 мингдан ортиқ ватандошларимиз тақдири ҳақида тегишли маълумотлар жамланган. Кейинчалик бу хайрли ва савобли иш янада изчиллик билан давом эттирилиб, «Хотира китоби»нинг қўшимча уч жилди ҳам нашр этилди. Буларда китобга кирмаган 16 мингга яқин ватандош халоскорларимиз номи қайд этилган. Бу Инсонни хотирлаш, қадрлаш эмасми?!



Донолардан бири, ҳар бир жангчидан икки оғиз бўлса ҳам эсдалик, хотира йиғиш керак, деган экан. Бу жиҳатдан олиб қараганда, уруш ва меҳнат фахрийларининг жанггоҳларда ва мамлакат ичкарасида кўрсатган қаҳрамонликларини акс эттирувчи тўлақонли, ҳужжатли бадий асарларимиз бармоқ билан санарли. Уруш қатнашчилари, ногиронлари, меҳнат фахрийларимизнинг сони тобора камайиб кетаётган экан, бундай хайрли ва савобли ишларни уларнинг тириклик чоғларида амалга ошириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Чунки Хотира ва Қадрлаш ҳеч қачон эскирмайди, доимо ярақлаб, инсоннинг ақлини пешлаб туради. Энг муҳими, хотира бизга келажак сари дадил юражак йўлларимизни ёритиб белгилайди, яхшиликдан сабоқ беради, огоҳлик, ҳушёрликка даъват этади, янги-янги бунёдкорликлар сари олантиради.

Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ўзининг ҳаётийлиги, долзарблиги, ҳаққонийлиги, эл-юрт дилидаги айни муддао эканлиги билан ҳам тўла тасдиқлаб турибди. Бундан ҳамма хурсанд, шод, мамнун!

Мазкур Фармон ва Қарор ижроси доирасида **12 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси уй-жой билан таъминланди. Шу мақсадда 1 миллиард 301 миллион сўм** маблағ ажратилди. Жумладан, Наманган вилоятида уч нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ҳам-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3509> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3509> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/3509>